СОДИҚ МИРЗО

МУҲАББАТ ФАСЛИ

(Ҳазил шеърлар)

«MERIYUS»
Тошкент - 2013

УЎК: 821.512.133-1
ББК: 84 (5Ў)7
М-74

Ўзб. адаб.

Мирзо, Содиқ

Муҳаббат фасли: ҳазил шеърлар / С.Мирзо; мухаррир М.Абдуллаева. - Тошкент: «MERIYUS», 2013. - 40 бет.

Ижод майдонига дадил қадамлар билан кириб келаётган ёш қаламкашлардан бири Содиқ Мирзо Мирзабеков 1995 йилда Бекобод туманидаги «Сарюз» қишлоғида таваллуд топган. Ҳозирда Далварзин маиший хизмат касб-ҳунар коллежида таҳсил олмоқда.

Содиқ Мирзо Бекобод тумандаги «Бекобод овози» газетаси қошида ташкил этилган «Илҳом» ёш ижодкорлар клубининг доимий аъзосидир. Ёш ижодкор ўзига хос тарзда ижод қилади. Унинг ушбу китобчага жамланган шеърлари соддалиги, халқ тилига яқинлиги билан ажралиб туради. Гарчи, булар ҳазил шеърлар бўлсада, лекин самимий, севги-муҳаббат тараннум этилган. Шоирнинг нияти соф — барча инсонлар севиб-севилиб яшасин...

Ёш китобхонларимизга қулай бўлиши учун шеърлар лотин имлосида ҳам берилди.

41580
10 Og1

© "MERIYUS" ХНМК, 2013.
© Содиқ Мирзо, 2013.

ISBN 978-9943-395-93-0

2013/107
A 8180
Alisher Navoiy
nomidagi
O'

СЕВИБ ҚОЛДИМ

Бунча гўзал жисмингиз,
Кўриб кўзим тўймайди.
Юрак қурғур исмингиз,
Сўраб сира қўймайди.
Сўзим кимга айтайин,
Севиб қолдим нетайин.

Соғиндим сизни бирам,
Йиғласам кўзимда нам,
Ёшимиз тенгмас, аммо
Каттароқ бўлсангиз ҳам.
Деманг мени бетайин,
Севиб қолдим нетайин.

Қишим - ёзим бўлди қор,
Сизни севдим Гулбаҳор.
Ўз тенгимни топарман,
Деманг, сенга нима бор?..
Айтинг, қайга кетайин,
Севиб қолдим нетайин.

ГУЛИМ-ГУЛИМ

Сизни десам гулим-гулим,
Қиё боқмай тилманг дилим.
Муҳаббатта ошно йўлим,
Севиб қолдим, нетай гулим.

Гулим-гулим-эй дея,
Наъра тортиб шерландим.
Шу шеъримни ёзгунча,
Сув-сув бўлиб терладим.

Бу шунчаки ҳазил шеър,
Қотди танамдаги тер,
Шуни билинг, дилимсиз,
Фақат гулим-гулимсиз.

РОСТДАНМИ?

Сизга совчи келдими,
Тўйга довчи келдими,
Севги товуши келдими?
Ростданми?..

Сизга тўйлар келдими,
Қўчқор-қўйлар келдими,
Ширин ўйлар келдими?
Ростданми?..

Бу шунчаки тушмиди,
Бахтим учган қушмиди,
Ҳайрон ақли-ҳушмиди?
Ростданми?..

Қани ошиқ кел, дебсиз,
Девор ошиб кел, дебсиз,
Шошиб-шошиб кел, дебсиз,
Ростданми?..

Сизни севган кўп экан,
Сизни деган кўп экан,
Сизми менга хўп деган,
Ростданми?..

Дебсиз зўрдир баридан,
Содиқ бўлди харидор.
Қолганларинг нари бор,
Ростданми?..

СИНФДОШЛАРИМ

Ширин ўйлар шодаси,
Хаёлим дурдонаси,
Фасллар шаббодаси,
Синфдошларим.

Сизлар кўнгил мезони,
Ёш юраклар забони,
Дўст-у дил меҳрибони,
Синфдошларим.

ҚАЛАЙСИЗ?

Севган гулим сизмисиз,
Кўнглимдаги қизмисиз,
Мендан нима тилайсиз,
Қалайсиз?

Уяласиз, қочасиз,
Бураласиз, қочасиз,
Қачон кўнгил очасиз,
Қалайсиз?

Хўп, дейсизу алдайсиз,
Нозик хипча белдайсиз,
Ваъда бериб келмайсиз,
Қалайсиз?

Мудом хитобимдасиз,
Туну кун ёдимдасиз,
Севги китобимдасиз,
Қалайсиз?

СИЗМИСИЗ?

Телефоним жиринглар,
Кимдир унда ҳиринглар,
Билсам у қиз,
Сизмисиз?

Алло, деган ўша қиз,
Ошиғингмиз мана биз,
Юрак жиз этди шу кез,
Сизмисиз?

Овозлари ёқимли,
Бирам ширин, тотимли,
Пайкон нигоҳ отимли,
Сизмисиз?

Нигоҳини порлатган,
Телефонни сайратган,
Пулини ҳам шўрлатган,
Сизмисиз?

Ҳазил-ҳузул бўлди зўр,
Содиқ балансингни кўр,
Деган менга ўша ҳур,
Сизмисиз?

СЕН КЕРАК

Соғинч қалбимни эзиб,
Ўртанаман кўзда ёш.
Севмаслигингни сезиб,
Карахт бўлдим жонсиз тош.

Менга фақат сен керак,
Сенсиз ёнмас бу юрак.
Нахот бўлсанг бағритош,
Оғочлари дор тор дунё.

Қанча берарман бардош,
Қилдинг мани зор дунё.
Менга, Гулим, сен керак,
Сенсиз ёнмас бу юрак.

НАҚШИ НИГОР

Шу гўзал қиз ақлим олди,
Мени Мажнунсифат қилди,
Юрагимни чандон тилди,
Нақши нигор, гўзал қиз-ей.

Кеча-кундуз сизни ўйлаб,
Кимга ёлғон, чинни сўйлаб,
Юрибманда бўйим-бўйлаб,
Нақши нигор, гўзал қиз-ей.

Сизни севиб девонаман,
Ёрдан азиз дўстонаман,
Деманг менга бегонаман,
Нақши нигор, гўзал қиз-ей.

Ёлғон кулиб кулдирмангиз,
Муҳаббатим сўлдирмангиз,
Лайли бўлиб ёндирмангиз,
Нақши нигор, гўзал қиз-ей.

ШУНАҚАМИ?

Сиэ мени севдим дебсиз,
Ёндим-у куйдим дебсиз,
Бир сени суйдим дебсиз,
Шунақами?

Нега кўзи ола дебсиз,
Қаранг, ойи-хола дебсиз,
Мени куёв бола дебсиз,
Шунақами?

Содиқ қалин қош дебсиз,
Мендан кичик, ёш дебсиз,
Бизни икки бош дебсиз,
Шунақами?

Кўнглингиз тўлсин, дебсиз,
Қўчқор-қўй бўлсин, дебсиз,
Майли тўй бўлсин, дебсиз,
Шунақами?

АЙРИЛИҚ НИМА?

Айрилиқ деганда,
Ким нени тушунар?
Кимдир шодлик деса,
Кимдир ўксинар.

Яна кимдир хурсанд юрар,
Кимдир армонда.
Кимдир ерда юрар,
Кимдир осмонда.

Айрилиқ бўлмаса,
Кўнгил омонда.
Бахтимиз кулгани,
Шундай замонда.

Дўстларим ҳеч қачон,
Йўлдан тойрилманг.
Ватан омон бўлсин,
Дўстдан айрилманг.

КЕТАРКАН

Ана-мана дегунча,
Кунлар ўтиб кетади.
Кўзинг очиб-юмгунча,
Ўн саккиз йил ўтади.

Жондан севган гўзалинг,
Балоғатга етади.
Қалбинг яралаб, ўзга,
Эрга тегиб кетади.

Ёш қалбимни яралаб,
Энди нима этади.
Оҳ, бойликни мўлжаллаб,
Қаёнларга кетади?

Майли, бахтинг бут бўлсин,
Сенсиз бахт деб чопаман.
Содиқ, ноумид шайтон,
Ўз бахтимни топаман.

УКАМГА НАСИҲАТ

Ақл билан иш тутсанг,
Осмонларга учасан.
Гўёки бир қуш бўлиб,
Самоларни кучасан.

Ақл билан иш тутсанг,
Насибанг бўлар ҳалол.
Топганинг олтин бўлар,
Бўлади рисқинг ҳалол.

Не бўлса ҳам тўғри бўл,
Арзир яхшилик кутсанг,
Буюк инсон бўларсан,
Ақл билан иш тутсанг.

ҲАЁТ ДАВОМ ЭТАДИ

Дунёга келса инсон,
Она юзин кўради.
Секин-аста улғаяр,
Ҳаёт давом этади.

Нихол куртак очса ҳам,
Гул ифорин сочса ҳам,
Душман сени янчса ҳам,
Ҳаёт давом этади.

Ишқ қасри бузилса ҳам,
Бир ришта узилса ҳам,
Дунё боз тузилса ҳам,
Ҳаёт давом этади.

АРМОН ДЕМАНГ

Муҳаббат кўнгилни ташлаб кетса ҳам,
Яқинлар йироқлаб, ғашлаб кетса ҳам,
Синовлар залвори қадни эгса ҳам,
Армон демангиз сиз,
Армон демангиз.

Ёру дўст қанчалар узоқ бўлса ҳам,
Учраган йўлларда тузоқ бўлса ҳам,
Очилган чечаклар аста сўлса ҳам,
Армон демангиз сиз,
Армон демангиз.

Армон тирикларга хос сўз эмасдир,
Бизларга бундай сўз ҳеч мос эмасдир,
Елкадош бўлмаса, ул дўст эмасдир,
Армон демангиз сиз,
Армон демангиз.

БАҲОР СОҒИНЧИ

Баҳор ифорлари эса бошлади,
Лола-қизғалдоқни жуда соғиндим.
Осмонда булутлар кўз ёшлади,
Ўшал қақилдоқни жуда соғиндим.

Бодомлар гуллади, гуллади боғлар,
Гулларга бурканди сокин чорбоғлар.
Ана, яшнамоқда бемору соғлар,
Баҳорни соғиндим, гулни соғиндим.

Муҳаббат уйғонар ҳар қалб, ҳар дилда,
Ёшлик — бу бир баҳор, қувониб кул-да,
Ўтган кунларингнинг қадрини бил-да,
Баҳорни соғиндим, гулни соғиндим.

2013/107
А 8180
Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK

ГУЛБАҲОР

Баҳор келди, яшнатибо дилларимиз,
Қалб уйғонди, гуллатибо гулларимиз,
Баҳор келди, ўғил, йигит-қизларимиз,
Наврўз келди, қўшиқдадир тилларимиз.

Дошқозонда сумалаклар қайнаяпти,
Қаранг-қаранг, ёш-у кекса ўйнаяпти,
Гулга боқиб кўзларимиз тўймаяпти,
Наврўз келди, гулга тўлди йўлларимиз.

Наврўз келди, мажнунтоллар жамалаксоч,
Кўнгилларнинг маликаси бағрингни оч,
Бўйларингдан сархуш бўлай, атрингни соч,
Наврўз келди, яшнаб кетди дилларимиз.

МАНИ ГУЛИМ

Атиргулдан гўзалсиз,
Тилимдаги ғазалсиз,
Севганим сиз асал қиз,
Мани гулим, гўзалсиз.

Сизга кулиш ярашар,
Ошиқлар ҳам қарашар,
Рашк қилишиб талашар,
Мани гулим, гўзалсиз.

Полапон қўғирчоғим,
Кўзлари кўзмунчоғим,
Дардимга овунчоғим,
Мани гулим, гўзалсиз.

Сизни севмоқ роҳатдир,
Висол они тоқатдир,
Шу сўзим ҳақиқатдир,
Мани гулим, гўзалсиз.

ДЎСТИМ ДЕГАНДИНГ

Дардимга дармонимсан,
Сен давр-у давронимсан,
Нахотки армонимсан,
Дўст деган Дурдонамсан.

Душман дардим доғлади,
Рақиб кўнгил чоғлади,
Кимга кўнгил боғладинг,
Дўст деган Дурдонамсан.

SEVIB QOLDIM

Buncha go'zal jismingiz,
Ko'rib ko'zim to'ymaydi.
Yurak qurg'ur ismingiz,
So'rab sira qo'ymaydi.
So'zim kimga aytayin,
Sevib qoldim netayin.

Sog'indim sizni biram,
Yig'lasam ko'zimda nam,
Yoshimiz tengmas, ammo
Kattaroq bo'lsangiz ham.
Demang meni betayin,
Sevib qoldim netayin.

Qishim - yozim bo'ldi qor,
Sizni sevdim Gulbahor.
O'z tengimni toparman,
Demang, senga nima bor?..
Ayting, qayga ketayin,
Sevib qoldim netayin.

GULIM-GULIM

Sizni desam gulim-gulim,
Qiyo boqmay tilmang dilim.
Muhabbatga oshno yo'lim
Sevib qoldim, netay gulim.

Gulim-gulim-ey, deya,
Na'ra tortib sherlandim.
Shu she'rimni yozguncha,
Suv-suv bo'lib terladim.

Bu shunchaki hazil she'r,
Qotdi tanamdagi ter,
Shuni biling, dilimsiz,
Faqat gulim-gulimsiz.

ROSTDANMI?

Sizga sovchi keldimi,
To'yga dovchi keldimi,
Sevgi tovushi keldimi?
Rostdanmi?..

Sizga to'ylar keldimi,
Qo'chqor-qo'ylar keldimi,
Shirin o'ylar keldimi?
Rostdanmi?..

Bu shunchaki tushmidi,
Baxtim uchgan qushmidi,
Hayron aqli-hushmidi?
Rostdanmi?..

Qani oshiq kel, debsiz,
Devor oshib kel, debsiz,
Shoshib-shoshib kel, debsiz,
Rostdanmi?..

Sizni sevgan ko'p ekan,
Sizni degan ko'p ekan,
Sizmi menga xo'p degan,
Rostdanmi?..

Debsiz zo'rdir baridan,
Sodiq bo'ldi xaridor.
Qolganlaring nari bor,
Rostdanmi?..

SINFDOSHLARIM

Shirin o'ylar shodasi,
Xayolim durdonasi,
Fasllar shabbodasi,
Sinfdoshlarim.

Sizlar ko'ngil mezoni,
Yosh yuraklar zaboni,
Do'st-u dil mehriboni,
Sinfdoshlarim.

QALAYSIZ?

Sevgan gulim sizmisiz,
Ko'nglimdagi qizmisiz,
Mendan nima tilaysiz,
Qalaysiz?

Uyalasiz, qochasiz,
Buralasiz, qochasiz,
Qachon ko'ngil ochasiz,
Qalaysiz?

Xo'p, deysiz-u aldaysiz,
Nozik xipcha beldaysiz,
Va'da berib kelmaysiz,
Qalaysiz?

Mudom xitobimdasiz,
Tun-u kun yodimdasiz,
Sevgi kitobimdasiz,
Qalaysiz?

SIZMISIZ?

Telefonim jiringlar,
Kimdir unda hiringlar,
Bilsam u qiz,
Sizmisiz?

Allo, degan o'sha qiz,
Osnig ingmiz mana biz,
Yurak jiz etdi shu kez,
Sizmisiz?

Ovoziari yoqimli,
Biram shirin, tolmli,
Paykon ingon otimi,
Sizmisiz?

Nigohini porlatgan,
Telefonni sayratgan,
Pulini ham sho'ratgan,
Sizmisiz?

Hazil-huzul bo'ldi zo'r,
Sodiq balansingni ko'r,
Degan menga o'sha hur,
Sizmisiz?

SEN KERAK

Sog'inch qalbimni ezib,
O'rtanaman ko'zda yosh.
Sevmasligingni sezib,
Karaxt bo'ldim jonsiz tosh.

Menga faqat sen kerak,
Sensiz yonmas bu yurak.
Nahot bo'lsang bag'ritosh,
Og'ochlari dor tor dunyo.

Qancha berarman bardosh,
Qilding mani zor dunyo.
Menga, Gulim, sen kerak,
Sensiz yonmas bu yurak.

NAQSHI NIGOR

Shu go'zal qiz aqlim oldi,
Meni Majnunsifat qildi,
Yuragimni chandon tildi,
Naqshi nigor, go'zal qiz-ey.

Kecha-kunduz sizni o'ylab,
Kimga yolg'on, chinni so'ylab,
Yuribmanda bo'yim-bo'ylab,
Naqshi nigor, go'zal qiz-ey.

Sizni sevib devonaman,
Yordan aziz do'stonaman,
Demang menga begonaman.
Naqshi nigor, go'zal qiz-ey.

Yolg'on kulib kuldirmangiz,
Muhabbatim so'ldirmangiz,
Layli bo'lib yondirmangiz,
Naqshi nigor go'zal qiz-ey.

SHUNAQAMI?

Siz meni sevdim debsiz,
Yondim-u kuydim debsiz,
Bir seni suydim debsiz,
Shunaqami?

Nega ko'zi ola debsiz,
Qarang, oyi-xola debsiz,
Meni kuyov bola debsiz,
Shunaqami?

Sodiq qalin qosh debsiz,
Mendan kichik, yosh debsiz,
Bizni ikki bosh debsiz,
Shunaqami?

Ko'nglingiz to'lsin, debsiz,
Qo'chqor-qo'y bo'lsin, debsiz,
Mayli to'y bo'lsin, debsiz,
Shunaqami?

AYRILIQ NIMA?

Ayriliq deganda,
Kim neni tushunar?
Kimdir shodlik desa,
Kimdir o'ksinar.

Yana kimdir xursand yurar,
Kimdir armonda.
Kimdir yerda yurar,
Kimdir osmonda.

Ayriliq bo'lmasa,
Ko'ngil omonda.
Baxtimiz kulgani,
Shunday zamonda.

Do'stlarim hech qachon,
Yo'ldan toyrilmang.
Vatan omon bo'lsin,
Do'stdan ayrilmang.

KETARKAN

Ana-mana deguncha,
Kunlar o'tib ketadi.
Ko'zing ochib-yumguncha,
O'n sakkiz yil o'tadi.

Jondan sevgan go'zaling,
Balog'atga yetadi.
Qalbing yaralab, o'zga,
Erga tegib ketadi.

Yosh qalbimni yaralab,
Endi nima etadi.
Oh, boylikni mo'ljallab,
Qayonlarga ketadi?

Mayli, baxting but bo'lsin,
Sensiz baxt deb chopaman.
Sodiq, noumid shayton,
O'z baxtimni topaman.

UKAMGA NASIHAT

Aql bilan ish tutsang,
Osmonlarga uchasan.
Go'yoki bir qush bo'lib,
Samolarni quchasan.

Aql bilan ish tutsang,
Nasibang bo'lar halol.
Topganing oltin bo'lar,
Bo'ladi risqing halol.

Ne bo'lsa ham to'g'ri bo'l,
Arzir yaxshilik kutsang,
Buyuk inson bo'larsan,
Aql bilan ish tutsang.

HAYOT DAVOM ETADI

Dunyoga kelsa inson,
Ona yuzin ko'radi.
Sekin-asta ulg'ayar,
Hayot davom etadi.

Nihol kurtak ochsa ham,
Gul iforin sochsa ham,
Dushman seni yanchsa ham,
Hayot davom etadi.

Ishq qasri buzilsa ham,
Bir rishta uzilsa ham,
Dunyo boz tuzilsa ham,
Hayot davom etadi.

ARMON DEMANG

Muhabbat ko'ngilni tashlab ketsa ham,
Yaqinlar yiroqlab, g'ashlab ketsa ham,
Sinovlar zalvori qadni egsa ham,
Armon demangiz siz,
Armon demangiz.

Yor-u do'st qanchalar uzoq bo'lsa ham,
Uchragan yo'llarda tuzoq bo'lsa ham,
Ochilgan chechaklar asta so'lsa ham,
Armon demangiz siz,
Armon demangiz.

Armon tiriklarga xos so'z emasdir,
Bizlarga bunday so'z hech mos emasdir,
Yelkadosh bo'lmasa, ul do'st emasdir,
Armon demangiz siz,
Armon demangiz.

BAHOR SOG'INCHI

Bahor iforlari esa boshladi,
Lola-qizg'aldoqni juda sog'indim.
Osmonda bulutlar ko'z yoshladi,
O'shal qaqildoqni juda sog'indim.

Bodomlar gulladi, gulladi bog'lar,
Gullarga burkandi sokin chorbog'lar.
Ana, yashnamoqda bemor-u sog'lar,
Bahorni sog'indim, gulni sog'indim.

Muhabbat uyg'otar har qalb, har dilda,
Yoshlik - bu bir bahor, quvonib kul-da,
O'tgan kunlaringning qadrini bil-da,
Bahorni sog'indim, gulni sog'indim.

GULBAHOR

Bahor keldi, yashnatibo dillarimiz,
Qalb uyg'ondi, gullatibo gullarimiz,
Bahor keldi, o'g'il, yigit-qizlarimiz,
Navro'z keldi, qo'shiqdadir tillarimiz.

Doshqozonda sumalaklar qaynayapti,
Qarang-qarang, yosh-u keksa o'ynayapti,
Gulga boqib ko'zlarimiz to'ymayapti,
Navro'z keldi, gulga to'ldi yo'llarimiz.

Navro'z keldi, majnuntollar jamalaksoch,
Ko'ngillarning malikasi bag'ringni och,
Bo'ylaringdan sarxush bo'lay, atringni soch,
Navro'z keldi, yashnab ketdi dillarimiz.

MANI GULIM

Atirguldan go'zalsiz,
Tilimdagi g'azalsiz,
Sevganim siz asal qiz,
Mani gulim, go'zalsiz.

Sizga kulish yarashar,
Oshiqlar ham qarashar,
Rashk qilishib talashar,
Mani gulim, go'zalsiz.

Polapon qo'g'irchog'im,
Ko'zlari ko'zmunchog'im,
Dardimga ovunchog'im,
Mani gulim, go'zalsiz.

Sizni sevmoq rohatdir,
Visol oni toqatdir,
Shu so'zim haqiqatdir,
Mani gulim, go'zalsiz.

DO'STIM DEGANDING

Dardimga darmonimsan,
Sen davr-u davronimsan,
Nahotki armonimsan,
Do'st degan Durdonamsan.

Dushman dardim dog'ladi,
Raqib ko'ngil chog'ladi,
Kimga ko'ngil bog'lading,
Do'st degan Durdonamsan.